УзССР Давлат китоб палатасининг Ихтисослаштирилган давлат кутубхонаси УзССР
27 АПР 1992

Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 80 (21. 199) 1992 йил 22 апрель, чоршанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгиликлар
Шарҳлар
Воқеалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ МАШИНАСОЗЛИК КОНЦЕРНИ МАШИНАСОЗЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тармоқда кўп йил ҳалол меҳнат қилганлиги, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги ва жамоат турмушидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИЛСИН:

Левченко Анатолий Филиппович — Тошкент абразив заводининг директори

Саматов Орзиқул Ахатович — Самарқанддаги «Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмасининг устаси

Чичильникер Борис Самойлович — «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош муҳандисининг ўринбосари

Шихов Валерий Борисович — Самарқанддаги «Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Шуман Борис Григорьевич — Самарқанддаги «Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги асбобсозлик бюросининг бош конструктори

Қосимов Ботир Ғафорович — «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари

ВА ҚУЙИДАГИЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Асломов Зоир Низомович — Самарқанддаги «Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчиси

Бродский Арон Хаймович — Тошкент абразив заводи қолиплаш цехининг устаси

Бурҳонов Сирожиддин — Самарқанддаги «Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех бошлиғи

Ибодуллаев Музаффар Мустафоевич — Тошкент абразив заводининг таъмирловчи чилангари

Иброҳимов Қаҳрамон Зуфарович — «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ истеъмоли моллари корхонасининг бўёқчиси

Карпов Вадим Константинович — Самарқанддаги «Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмасидан, пенсионер

Макурин Валентин Павлович — «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳайдовчиси

Маҳмудов Яшим — Самарқанддаги «Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси комитетининг раиси

Мовшиц Аркадий Александрович — «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех бошлиғи

Орлов Владимир Константинович — Самарқанддаги «Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош муҳандиси

Садритдинов Фаёз Шарафутдинович — «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари

Сандов Жаббор — Самарқанддаги «Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари

Станкевич Эмма Ивановна — Самарқанддаги «Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмасининг конструктор муҳандиси

Ҳалимов Олимжон — Самарқанддаги «Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмасининг силлиқловчиси

Ҳасанова Маҳпират — Тошкент абразив заводининг ишчиси

Эшметов Маҳкам — Тошкент абразив заводининг абразив буюмлар қолиплов-чиси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1992 йил 21 апрель.

Бугунги кунда халқ депутати деган шарафли номни оқлаш, унга муносиб бўлиш осон эмас. Бағдод районидаги 121-Москва сайлов округи сайловчилари область кенгаши депутатлигига «Ферганахлопкопром» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Аъзамжон Бўриевни сайлаб тўғри қилганликларини англашди.

Сайлов округи ҳудудидаги Бегобод, Шўроқар, Майловой қишлоқларида 4250 нафар аҳоли бор. Депутат 2-ўрта мактаб ремонти учун зарур қурилиш материалларини етказиб беришга, шу мақсад учун 40 минг сўм маблағ ажратилишига, район шифохонаси таъмирланишига, сайлов округи ҳудудидаги қишлоқларни асфальтлашга, болалар боғчаларини зарур ашёлар билан таъминлашга катта ҳисса қўшди.

Суратда: Фарғона вилоят Кенгаши депутати Аъзамжон Бўриев Шўроқар қишлоғидаги сайловчилар даврасида.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ХДП: одамлар орасида

Наманганнинг Мингбулоқ ҳудудидан чиқаётган нефть фавворaси бутун республика эътиборини тортганига икки ой бўляпти. Шу қисқа вақт ичида бу ерда жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Нефть фавворасини инсон измига бўйсундириш учун амалга оширилаётган тадбирлар республика раҳбариятининг доимий диққат марказида турибди. Куни кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов нефтчилар ҳузурига келди.

НЕФТЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

М. М. Расулов вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев ва ҳокимият раҳбарлари билан қисқа мулоқотдан сўнг Тўрақўрғон районидаги темирйўл станциясининг Оқтош бўлимида қилинаётган ишлар билан танишди. Бу ерда нефтни қабул қилиб, истеъмолчиларга юборадиган улкан марказ вужудга келтирилмоқда. Оқтошда келажакда нефтни қайта ишлаш корхонаси қуриш режалари ҳам йўқ эмас. М. Расулов бу ерда 6-Қўқон темирйўл қурилиши бўлими ишчилари билан суҳбатлашди. Уларнинг иш шароити, моддий таъминоти билан қизиқди. Катта мастер О. Турғунов ишчилар номидан яратиб берилган барча қулайликлар учун миннатдорчилик билдирди, оддий халқ республика Президентининг амалга ошираётган барча тадбирларини қўллаб-қувватлаётгани, унга маслакдош ва кўмакдош эканлигини республика раҳбари И. А. Каримовга етказиб қўйишни илтимос қилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Оқтошдаги ишлар билан танишиб борар экан, Намангандаги 10-қурилиш трестининг 5-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи Ж. Мамажонов, 16-қурилиш бошқармаси бошлиғи Қ. Отамирзаев, Наманган «Сталмонтаж» бошқармаси бошлиғи А. Горбушин, прораб В. Шомуродовлар ўз соҳалари бўйича қилинаётган ишлар ҳақида гапириб бердилар. 10-қурилиш трести бошқарувчиси ўринбосари А. Юсуповнинг таъкидлашича, трест дастлабки кунданоқ бош пудратчи бўлиб ишга киришган. Бу ерда ўндан ортиқ ташкилот, корхона ишчилари икки-уч сменада меҳнат қиляптилар. Уларга барча шароитлар яратилган, икки маҳал бепул иссиқ овқат тортилмоқда. Ишчиларнинг маоши ҳам хизматга яраша бўляпти, ўртача 2 минг сўмдан маош олинмоқда.

М. М. Расулов шу куни Мингбулоқ нефть конида ҳам бўлди. Бош штабда Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов унга барча ишлар режа бўйича бораётгани ва ҳозирги аҳвол ҳақида қисқача гапириб берди. У шунингдек ХДП вилоят кенгаши ташкилий, оммавий-сиёсий ишларни олиб боришда штаб аъзоларига яқиндан ёрдам бераётганлигини ҳам таъкидлади. Марказий Кенгаш котиби алангаланиб ёнаётган нефть фавворaси атрофида ишлаётган кишилар билан суҳбатлашди, ишларнинг бориши билан танишди. Ҳозир бу ерда нефтни жиловлаш учун сўнгги юмушлар ниҳоясига етмоқда. Ишнинг бориши кутилаётган мақсадга албатта етилишидан далолат беряпти.

Сафар давомида М. М. Расуловга ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Б. Аҳадов ҳамроҳлик қилди.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

● «Ўзбекистон овози» рўзномасининг шу йил 21 апрель сонида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаган ҳарбий хизматчиларни қуролли кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни ҳақиқий ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Бугун ушбу қарорнинг шарҳи билан танишасиз.

● Мустақил Ўзбекистон халқ танлаб олган йўлдан ишонч билан бормоқда. Жуда кўп ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий муаммолар ҳал этилмоқда, уларнинг орасида мудофаа сиёсатига тааллуқли муаммолар ҳам бор. Бу соҳада сўнгги йилларда кўп ўзгаришлар бўлди. Бундай ўзгаришлар аввало Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳақиқий ҳарбий хизматга чақиришга тааллуқлидир. Ишонч билан айтиш мумкинки, армияга чақирилган йигитлар фақат республикамиз ҳудудида хизмат қиладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг «Белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаган ҳарбий хизматчиларни қуролли кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни ҳақиқий ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарори яқиндагина қабул қилинди. Республикамизда бундай қарор биринчи марта қабул қилинди. У «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунга, шунингдек Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида қатнашувчи давлатлар бошлиқлари кенгашининг 1992 йил 14 февралда Минск шаҳрида ва шу йил 20 март куни Киев шаҳрида тузилган ҳарбий масалаларга доир битимларига мувофиқ равишда қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ шу йилнинг май—июнь ойларида 1965—1974 йилларда туғилган, чақириқ кунигача 18 ёшга тўладиган ва ҳарбий хизматга чақиришни кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқаролар ҳақиқий ҳарбий хизматга ва муқобил хизматга чақирилади-лар.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги зиммасига катта масъулият юкланган. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларига ва қуролли кучлар қўшилмаларига, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бригадасига, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик ташкилотининг чегара қўшинларига, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларига ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг республика ҳудудида жойлаштирилган стратегик кучларига уларни бутлашнинг экстерриториал қоидасини ҳисобга олиб, фуқароларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чақиришни амалга оширади. Бизнингча, бу мазкур ҳужжатнинг энг муҳим бандларидан биридир.

Ҳужжатда яна бир муҳим банд борки, унда ихтиёрийлик асосида ёки битим асосида мустақил республикамиз фуқароларини ҳарбий хизматга чақириб, уларни бирлашган қуролли кучларнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи давлатлар ҳудудида жойлашган стратегик кучларига, шунингдек Ғарбий ва Шимолий қўшинлар гуруҳларига, Қора денгиз флоти ва Каспий флотилияси қисмларидан ташқари ҳарбий денгиз флотига юборишга рухсат этилиши тўғрисида гап боради.

Офицер — армияда асосий шахс. Армияни офицерларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу сабабли мустақил Ўзбекистон қуролли кучлари учун туб миллатга мансуб шахслардан офицерлар тайёрлашга муҳим аҳамият берилмоқда. Республикамиз ҳудудида жойлашган барча олий ҳарбий билим юртлари Ўзбекистон Республикасининнг ҳуқуқий ихтиёрига ўтганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. В. И. Ленин номли Тошкент олий умумқўшин командирлари тайёрлаш билим юрти, Тошкентдаги олий танк командирлари билим юрти ҳамда Республика Олий Кенгаши номидаги Самарқанд олий автомобиль билим юрти шулар жумласидандир. Буларнинг ҳаммаси илгари СССР Мудофаа вазирлигига бўйсунар эди.

Олий ҳарбий ўқув юртларига кирувчиларни аниқлаш лозим. Ҳукумат Халқ таълими вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятларига йигитларни саралаб танлаб олиш ва уларни ҳарбий ўқув юртларига юборишга доир зарур тадбирларни амалга оширишни топширди.

Қабул қилинган қарорда чақириқ комиссияларини тузишга катта эътибор берилган, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоят, шаҳар ва район ҳокимларининг ўринбосарлари бу комиссияларнинг раислари этиб тайинланадилар. Чақириқ комиссияларига катта ҳуқуқлар берилган. Комиссиялар оиладаги кенжа ўғил бўлмиш фуқарони, агар унинг акалари ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, ўтаб бўлган тақдирда ёки қонуний асосларда чақириқдан озод этилган тақдирда бундай фуқарони, оилада меҳнатга лаёқатли қизлар бўлган тақдирда ҳам шу оиладаги бирдан-бир ўғил бўлган фуқарони, акалари муддатли ҳарбий хизматни ўташ чоғида ҳалок бўлган ёки вафот этган йигитларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришдан озод қилиб, заҳирага ўтказишлари мумкин.

Чўпонлар шу лавозимда ишлаётган даврда муддатли ҳарбий хизматга чақирилмайдилар. Бир оилада икки ёки ундан ортиқ ака-ука бир вақтнинг ўзида армияда хизмат қилишига йўл қўйилмайди, эгизаклар ва ихтиёрий равишда хизмат қилиш истагини билдирганлар бундан мустаснодир. Қонуний никоҳдан ўтган йигитлар уларнинг оиласи доимий истиқомат қиладиган жойга мумкин қадар яқин жойлашган қисмларга ва қўшилмаларга юборилади-лар. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга кирган йигитларни ҳарбий хизматга чақириш кечиктирилади.

Қуролли кучлар сафларида хизмат қилиш ҳар бир фуқаронинг ўз Ватани олдидаги муқаддас бурчи ва вазифасидир. Армияда йигитлар ўзларининг касб маҳорати ва ҳарбий тайёргарлигини мунтазам ошириб боришлари, чиниқишлари лозим. Улардан Ватан, халқ мамлакатнинг тинч меҳнатини муҳофаза этишни талаб қилади. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, республикамиздан армияга чақирилган айрим йигитлар ўзбошимчалик билан, ғайриқонуний асосда қисмларни ташлаб кетганлар. Улар ота-оналарининг ишончини ҳам, республика ишончини ҳам, ўз командирлари ишончини ҳам оқламадилар.

Шу сабабли қарорда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари олдига катта вазифалар қўйилган. Хусусан, Ички ишлар вазирлигига чақириқ ва йиғилиш жойларида, армияга чақирилувчиларни жўнатиш чоғида уларни транспортга чиқариш жойларида жамоат тартибини таъминлаш топширилган. Ички ишлар вазирлиги ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириқдан бўйин товлаётган шахсларни аниқлашда мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимларига ёрдам ва мадад беришлари керак.

Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгашига, вилоятларнинг ҳокимиятларига ва Тошкент шаҳри ҳокимиятига Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги билан биргаликда йигитларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қарорларнинг Конституцияда ёзиб қўйилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда республика ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир ўз фуқаролик бурчини ҳалол бажаришлари зарурлигини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ташвиқ қилиш топширилди. Шу билан бир вақтда Ўзбекистонлик жангчиларнинг бенуқсон хизмат қилиш, ҳарбий бурчни ҳалол бажаришлари намуналарини кенг оммага қилиб бориш, ҳарбий интизомни бузиш ҳолларини кўрсатиб бериш, айбдорларга нисбатан кўрилган чоралар ҳақида хабардор қилиб бориш лозим.

Республика прокуратураси фуқаролар ҳақиқий ҳарбий ва муқобил хизматга ўз вақтида ва тўла чақирилишини таъминлашда чақириқ комиссияларига ёрдам беришлари керак. Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ҳақидаги қонунларни барча ҳокимиятлар, вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар оғишмай бажаришларини қаттиқ назорат қилиб бориш лозим.

Бу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг, ҳукуматининг ёшларимизнинг тақдири, мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучларининг тақдири тўғрисидаги ғамхўрлигига далилдир. Бу ҳужжат муҳим сиёсий аҳамиятга эга, бунга шубҳа йўқ. У Армияга чақирилувчи кўп йигитларни ва уларнинг ота-оналарини қувонтиради, мустақил Ўзбекистоннинг келажагига ишончни мустаҳкамлайди, деб ўйлаймиз.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ Н. Р. ЮСУПБЕКОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Нодирбек Рустамбекович Юсупбеков Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат комитетининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

1992 йил 21 апрель.
Тошкент шаҳри.

ХОДИМЛАР ҚИСҚАРТИРИЛДИ

Хоразм вилоят ҳокимияти қайта тузилди. Ҳокимият ходимларининг ўттиз фоизи қисқартирилди. Эндиликда бу ерда ҳаммаси бўлиб 41 киши ишламоқда. Қисқартирилган мутахассислар халқ хўжалигининг турли соҳаларига ишга юборилди.

Бундан икки ой муқаддам собиқ вилоят кенгаши, вилоят партия комитети ва вилоят ижроия комитети ходимларидан тузилган ҳокимият аппарати сифат жиҳатидан анча ўзгартиридганлигини таъкидлаш керак.

(ЎзА мухбири).

ИШЛАР КЕЧИКЯПТИ

Амударё, Беруний, Тўртқўл, Элликқалъа, Хўжайли районларидаги қатор хўжаликларда чигит экиш ёпласига бошлаб юборилди.

Шоли экиш ҳам бошлаб юборилади. Бироқ кўпчилик шоличилик совхозлари комбайн ремонтига бефарқ қараб келмоқдалар. Қўнғирот, Ленинобод, Тахтакўпир, Қораўзак, Чимбой, Нукус районларидаги қатор шоличилик давлат хўжаликларида эҳтиёт қисмларни қайта тиклашга шошилмаяптилар. Ваҳолонки бу ишлар қанча кечиктирилса, кузда шоли ўришнинчиш каби ишлар шунча кечикиб кетади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАЪМУРЧИЛИКНИ ЎЙЛАБ

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расуловнинг Андижон вилоят бўйлаб сафари хон Эргашева номли жамоа бошланди.

Марказий Кенгаш котиби қишлоқнинг кам даромадли аҳолисига товуқ ва ўрдак гўшти етказиб берадиган кичик корхонада бўлди. Бошланғич партия ташкилотининг котиби Т. Абдуллаев меҳмонга кичик корхонанинг фаолияти ҳақида гапириб берди. Корхона йил бошидан буён 100 мингта жўжа, 300 та ўрдак етиштириб, аҳолига арзон нархда сотди. Битта жўжанинг ўртача нархи 3 сўмданга тўғри келди. У 5 сўмдан сотилди. Корхонага ҳар бир жўжадан 2 сўмдан соф фойда қолди. Режа бўйича йил охиригача 500 минг сўм соф фойда олиш мўлжалланмоқда. Ёзда инкубаториядан чиққан жўжани сақлаш қийин. Шунинг учун 3 мингта ўрдак, 1000 та ғоз жўжаси етиштирилади. Уларни боқиш учун қулай шароит бор. Инкубатория атрофида ариқлр, зовурлар кўп. Кичик корхона инкубаторияси тухумни Қувасойдан оляпти. Очирилган жўжаларни эса Балиқчи, Норин, Олтинкўл районларига сотяпти.

Суҳбат чоғида икки юз киши ХДП аъзоси бўлган бошланғич партия ташкилотининг иш услуби ва тажрибаси ҳақида ҳам ўзаро фикрлашиб олинди.

Балиқчи район ҳокими А. Ғаниев, ХДП район кенгашининг биринчи котиби С. Расулова шу хўжаликда намунали бўрдоқичилик базаси борлигини айтишди. Базада 200 та новвосни бўрдоқига боқиб, унинг ҳар бирини 400 килограммданга етказиб гўштга топширилмоқда.

Шундан кейин Марказий Кенгаш котиби Германия Федератив Республикаси билан ҳамкорликда ғалтакли ип ишлаб чиқарадиган корхонага мослаштирилаётган биноларни бориб кўрди. Тўрт йил аввал қурилган бу бинолар бўшлиги, унинг бир чеккасини Андижон мева-сабзавот тайёрлаш бирлашмаси эгаллаб турганлигини, бу ташкилотга ишлатилмаётган ускуналар учун 241 минг сўм тўланса ип ишлаб чиқариш корхонасининг иши юришиб кетишини гапириб беришди. М. М. Расулов тегишли ташкилотлар билан гаплашиб бу масалани ижобий ҳал қилишга ёрдам беражагини айтди. Шундан кейин у Чинобод спорт буюмлари ишлаб чиқариш фабрикасига борди. Кенгаш котиби ишчилардан М. Солиева, М. Усарова билан суҳбатлашди, уларнинг турмуш шароитларини суриштирди.

Марказий Кенгаш котиби Балиқчи районидан Олтинкўл районига ўтди. Бу ерда трикотаж полотноси ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди. Ўзаро мулоқотда 800 киши ишлаётган катта корхонада ХДП бошланғич ташкилотини кучли, йирик ташкилотга айлантириш ҳақида фикрлашиб олинди. Суҳбатда Олтинкўл район ҳокимининг биринчи муовини Б. Сандхўжаев, ХДП район кенгашининг биринчи котиби А. Содиқов қатнашдилар.

Марказий Кенгаш котиби шунингдек шу райондаги «Тошкент» жамоа хўжалигининг Сотқиной Қодирова бошлиқ сабзавотчиликка ихтисослашган бригадаси аъзолари билан ҳам суҳбатлашди.

ХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби Н. Шокиров сафар чоғида М. М. Расуловга ҳамроҳлик қилди. Куннинг иккинчи ярмида Андижон вилоят партия кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда М. М. Расулов нутқ сўзлади.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

● Яқинда қишлоқларимизнинг бирида бўлиб ўтган тўйда қатнашдим. Тумонат одам, дастурхон ёзилган столларнинг чеки йўқ. Унинг атрофида тахминан 600—700 киши ўтирипти. Ким келдию, ким кетяпти, ҳеч ким билмайди. Дастурхон ҳам олдинги тўйлардагидек тўкин эмас.

Тўйдан оғир хаёллар билан чиқдим. Ҳозиргидай қийин кунларда бунчалик катта тўй қилиш шартмикин? Умуман, оддий меҳнаткашга унинг ҳолини хароб этадиган бундай тўйнинг нима кераги бор?..

БИРЛАШГАН ДАРЁ БЎЛУР

Орадан бир неча кун ўтгач, тўй эгаси билан кўчада учрашиб қолдик. Ҳорғин қиёфасига боқиб ҳамдардлик билдирган оҳангда тўйнинг неча пулга тушганини суриштирдим. Нақ 90 минг сўмга тушипти. Шахсий хўжалигидаги бутун молуҳолни сотишга тўғри келипти. Ваҳолонки, у яна тўрт ўғлини ўйлантириши керак.

Район партия кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги йиғилишида мана шу масала тўғрисида фикр алмашдик. Муаммо кенгроқ доирада муҳокама учун асос эканлиги аён бўлди. Район марказидаги маҳалла партия ташкилотларига шу масалани муҳокама этиш тавсия этилди.

Дастлабки шундай йиғилиш Акмал Икромов номли маҳаллада бўлиб ўтди. Кўнглимизни ўртаган фикрлар барчанинг дарди экан.

— Хизмат вазифам туфайли оддий одамларнинг турмушидан ҳаммадан кўра яхшироқ хабардорман, — деди сўзга чиққан Мўмина опа Сувонова. Айни маҳалда у киши район солиқ инспекциясининг бошлиғи бўлиб ишламоқда эди. — Кимдир ҳозир бир неча минг кишига дастурхон тортиши, тўп-тўп газламани келинга сеп қилиши мумкин. Унга тенглашаман деган оддий одамнинг ахир бели синади-ку. Бу масалани алақачон муҳокама қилмоқ лозим эди.

Сўзга чиққан бошқа партия аъзолари ҳам унинг фикрини қўллаб-қувватлаб, бу соҳада амалий таклифларни изҳор этдилар. Уларнинг фикрича, серҳашам тўйларни тақиқламоқ лозим эмиш. Лекин партиянинг бундай кўрсатмалар берадиган якка ҳокимлик даври аллақачон ўтиб кетган. Муаммони ҳал қилишнинг бошқача йўлини топиш зарур.

Навбатдаги маҳаллада бўладиган партия йиғилишидан район ҳокими Р. Собировни хабардор қилдим. Йиғилишга биргаликда борадиган бўлдик. Чунки Рўзиқул ака ҳам шу партия ташкилоти ҳисобида турар эди-да.

Бунгача қўшни маҳаллада бўлиб ўтган партия йиғилиши овозаси бу ерга ҳам етиб келган экан. Йиғилишга партия аъзолари қатори Иттифоқ маҳалласи аҳолиси ҳам келишди. Йиғилиш узоқ давом этди. Халқ демократчилари унда ҳокимнинг қатнашаётганлигидан фойдаланиб тўй ўтказишнинг ўзлари ишлаб чиққан дастурини таклиф этишди. Унда тўйдаги сарф-харажатларнинг миқдори, ҳатто қанча гўшту, қанча гуруч лозимлиги кўрсатилган эди. Ҳоким ўз сўзида бу таклифларни қўллаб-қувватлашини баён қилди. Худди шундай йиғилишлар шаҳарнинг Зарафшон, Тинчлик, «Октябрь 70 йиллиги» маҳаллаларида ҳам бўлиб ўтди. Уларда район кенгашининг ижроия бюроси аъзолари қатнашдилар. Сўзга чиққан М. Одилова, С. Ғаниев, Ф. Маъмуров, С. Шукуров, Қ. Эргашев каби партия аъзоларининг фикр-мулоҳазалари амалий тадбирлар учун асос бўла олди.

Пировардида биз масалани ижроия бюромизда атрофлича муҳокама этиб, партия ташкилотларида билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда маҳаллий ҳокимият учун тўйларни ўтказиш тартиби юзасидан тавсиянома ишлаб чиқиб тақдим қилдик. Район ҳокими шу асосда тўйларнинг сарф-харажатини камайтириш, кам даромадли оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича фармойиш қабул қилди.

Шундай қилиб, бир тўйдан кейин пайдо бўлган мулоҳазалар туфайли фойдали бир тадбир амалга ошди, меҳнаткашда партияга ихлос пайдо қилинди. Партияга ишончни тўла тиклаш учун эса ҳали кўп изланишимизга тўғри келади. Изланишларни ишхонада ўтириб эмас, халқ ўртасида ўтказиш мумкин.

Одамлар билан учрашувларда ҳамма жойда бўлгани каби Қоракўлда ҳам маҳаллий ҳуқуқ-тартибот, маъмурий органлар ходимларига эътирозлар кўп бўлаяпти. Гўёки жойлардаги суиистеъмолликлар, қонунбузарликларнинг сабаби уларнинг фаолиятсизлиги эмиш. Масалани партия фаолларининг кенгайтирилган йиғилишида хўжалик ва район ташкилотларининг раҳбарлари иштирокида чуқур ўргангач, бунинг илдизи фаолиятсизликда эмас, мавжуд қонунчиликдаги иллатларда эканлиги аён бўлди. Демак, қонунларга тегишли ўзгартишлар киритмоқ лозим. Бу эса халқ ноибларининг вазифаси.

Мана шундай қилиб, биз партиянинг парламент услубида ишлашига кўчдик. Район партия ташкилотларида ҳисобда турувчи турли даражадаги халқ ноибларига бу масала хусусида тегишли фаолият кўрсатиш юзасидан тавсиялар берилди. Аҳоли ўртасида олиб борилган сиёсий тушунтириш ишларида эса бозор иқтисодиётига кўчишининг хусусиятларига алоҳида эътибор қилдик. Афсуски собиқ шўролар ҳокимияти йиллар ой собиқ Компартия аъзоларидан ташқари 30—50 киши киришга ҳоҳиш билдирмоқда. Кейинги уч ой мобайнидагина илгари ҳеч қандай партия аъзоси бўлмаган 260 киши қабул қилинди, уларнинг 76 нафари колхозчилар, 152 нафари хизматчилар ва зиёлилар вакилларидир. Район партия ташкилоти сафларида айни маҳалда саккиз миллат вакили бор.

Партияга аъзолик масаласига келганда, мен таъбир жоиз бўлса, ҳозир сафларимизга қўшилаётганларни фронт шароитида партия билети олганларга тенглаштирган бўлур эдим. Зеро, эндиликда партияга аъзолик катта лавозим учун пойдевор эмас, балки Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллиги учун кураш майдонига чиқмоқ демакдир. Курашнинг бошланиши эса ҳали катта синовларни бошимиздан кечиришимизга тўғри келишидан далолат бермоқда.

Бундай шароитда кам даромадли аҳоли табақаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш катта аҳамиятга моликдир. Шуни назарда тутиб ижроия бюро маслисларидан бирида аҳолининг ночор қатламларини рида кўпчилик кишиларда ҳар қандай тадбиркорлик, ишбилармонлик фазилатлари олиб сотарлик билан тенглаштирилган. Эндиликда кишилар тафаккурида инқилоб ясашга тўғри келаяпти. Бу эса бир кунлик ёки бир ойлик иш эмас.

Меҳнаткашлар ўртасида сиёсий фаолиятни кучайтириш учун биринчи навбатда маслакдошларимиз сафларини кенгайтиришимиз лозим. Айрим фактларга мурожаат этайлик. Собиқ Компартия фаолият кўрсатган пайтда ҳар йили ўрта ҳисобда партия сафига 70—75 киши қабул қилинган бўлса, ҳозир Халқ демократик партияси сафларига ҳимоя қилиш, халқ маорифи, тиббиёт ва бошқа соҳалар ходимларига район шароитларидан келиб чиқиб қўшимча имтиёзлар яратиб бериш таклифларини ишлаб чиқиб район кенгаши муҳокамасига киритмоқчимиз.

Район кенгашининг ўзи ҳам баҳоли қудрат бу масалада амалий ёрдам кўрсатишга интилмоқда. Кутубхонамиздаги минг жилддан зиёд бадиий китобларни иқтидорли болалар таълим олаётган мактаб-интернат, пионерлар уйи ва «Шодлик» пионер лагери кутубхоналарига ҳадя этдик. Район кенгаши биносидаги бир қисм мебель жиҳозларини иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ташкил қилинган музейга топширдик.

Лекин бундай ёрдам дегизга қуйилган томчи сингаридир. Биз меҳнат жамоаларида худди шундай ёрдам ташкил қилиш тўғрисида кўпроқ қайғурмоқдамиз. Зеро, партиямизнинг ўзи катта моддий қийинчиликларни бошидан кечираётгани ҳеч кимга сир эмас. Молиявий аҳволимизни тиклаб олиш мақсадида хўжалик фаолиятига қўл ураяпмиз. Район кенгаши муассислик қилаётган «Алоқа» кичик корхонаси амалий фаолиятини бошлаб юборди, дастлабки корхоналар, хонадонлар телефонлаштирилди. Бундан эса ҳам аҳоли, ҳам партия ташкилоти манфаатдордир.

Халқимизда бирлашган дарё бўлур, тарқалган ирмоқ, деган доно мақол бор. Биз шунга амал қилиб, барча сиёсий кучларни мустақиллигимиз йўлида бирлаштириш учун қўлимиздан келаётган ишларни қилаяпмиз. Район меҳнат жамоаларида ижтимоий вазиятнинг тобора соғломлашаётганлиги бунинг далилидир.

Албатта, ишимизда муаммолар ҳам йўқ эмас. Аммо бу муаммоларни маҳаллий ҳокимият, партия фаоллари билан кенгашиб баҳамжиҳат ҳал қилишимизга шубҳа қилмайман.

Н. ЁДГОРОВ,
Ўзбекистон ХДП Қоракўл район кенгашининг биринчи котиби.

• ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

ХДП Қарши шаҳар кенгашининг учинчи пленуми бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши тўртинчи пленуми якунлари ва шаҳар партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда ХДП шаҳар кенгашининг биринчи котиби А. Очилов маърузаси тингланди.

Шунингдек пленумда ХДП шаҳар кенгаши ва шаҳар ёшлар иттифоқи билан тузилган ҳамкорлик шартномаси тасдиқланди.

Пленумда Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. О. Омонов, шаҳар ҳокими М. А. Маҳмудов қатнашдилар ва нутқ сўзладилар.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

● Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашида бўлиб ўтган йиғилишда 1-май, 9-май байрамини оммавий нишонлаш, меҳнаткашларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш масалалари ҳусусида сўз юритилди. Вилоят партия кенгаши ҳамда Жиззах шаҳар партия ташкилоти Халқаро бирдамлик куни ва Ғалаба байрами арафасида вилоятдаги маданий марказлар билан ҳамкорликда «Мустақил Ўзбекистон — жонажон диёримиз» деб номланган тантаналарни ўтказиш ҳақидаги ташаббусини бу ерга тўпланган партия ва ёшлар ташкилотлари фаоллари, фахрийлар, вилоят ва шаҳар ташкилотларининг раҳбарлари маъқуллашди. Вилоятдаги мавжуд қирғиз, қозоқ, корейс маданий марказлари номидан сўзга чиққан А. Каримов, Э. Исломов, В. Думлер кабилар бу тадбирни мазмунли, уюшқоқлик билан ўтказиш хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Қардош эллар байрами 25 апрель куни ўтказиладиган бўлди. Шу куни вилоят маркази аҳолиси турли миллат вакиллари томонидан тайёрланган хилма-хил таомлар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари кўригининг гувоҳи бўладилар, қардошларнинг меҳмон кутиш, дастурхон безаш каби миллий маросимлари билан танишадилар. Турли спорт мусобақалари уюштирилади. Вилоятда 20 апрелдан 30 апрелгача кинофестивал декадаси ўтказиладиган бўлди.

ХДП Жиззах вилоят ва Жиззах шаҳар кенгашларининг бу хайрли тадбирларини вилоят ҳокими маъқуллади. Айни пайтда байрам тантаналарига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

САУДИЯ АРАБИСТОНИ ҚАРОРИ

● Саудия Арабистони собиқ совет республикаларига 1,25 миллиард доллар қарз беради. Бу ўтган йили собиқ СССРга берилган 1,5 миллиард доллар қарзнинг бир қисмидир.

Тўлов балансни қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган 750 миллион доллар ҳам шу ҳисобга киради. Унинг 250 миллион доллари СССР нинг ҳисоб варақасига ўтказилган эди. Совет Иттифоқи парчаланиб кетганидан сўнг янги давлатлар вужудга келишининг ҳуқуқий жиҳатлари тартибга солинишидан олган 500 миллион доллар Москвага ўтказилади. Бошқа 750 миллион доллар турли иқтисодий варақаларни пул билан таъминлашга аталган қарз бўлиб, у Ўрта Осиёнинг мусулмон республикаларигагина эмас, мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган барча мамлакатларга тақсимлаб берилиши илгари уқтириб ўтилган эди.

ҲИНДИСТОНГА ТАШРИФ

● Туркманистон президенти Сафармурод Ниёзов Ҳиндистонда уч кун меҳмон бўлди. У расмий ташрифни якунлаб юртига жўнаб кетди.

Ташриф давомида етти ҳужжат имзоланди. Туркманистон билан Ҳиндистон ўртасида дипломатия ва консуллик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги протокол шу ҳужжатлар жумласига киради. Туркманистон президентининг сўзларига кўра имзоланган ҳужжатлар икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда янги пойдевор бўлади.

ЁРДАМГА ДАЪВАТ

● Собиқ СССР президенти Михаил Горбачев Японияга хусусий ташриф билан келди. У Нагоя шаҳрида маҳаллий савдо саноат доиралари билан учрашди.

Учрашувда М. Горбачев Ғарб мамлакатларини Россияга ёрдам беришга чақирди. Унинг сўзларига қараганда мамлакатдаги демократик ислоҳотларнинг барбод бўлиши бутун дунё учун оғир оқибатларни келтириб чиқаради. Собиқ президент Россия Японияндан кўп нарсаларни ўрганиши мумкин деб таъкидлади.

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

● Украина бош вазири ўринбосари О. Слепичев билан Австрия транспорт ҳамда миллий саноат вазири В. Клима меморандум имзолашди.

Вена шаҳрида имзоланган бу ҳужжатда иккала мамлакат ўртасида иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш кўзда тутилади.

Украина ҳукумат делегациясини Австрия канцлери Ф. Враницкий қабул қилди.

НАЖИБУЛЛО ТАҚДИРИ ХУСУСИДА

● Афғонистон пойтахти — Қобулда БМТ Бош котибининг Афғонистондаги шахсий вакили Бенон Севан журналистлар билан учрашди.

Учрашувда у собиқ президент Нажибулло ҳали ҳам Қобулда турганини тасдиқлади. Унинг мамлакатни тарк этишига имкон берадиган битимга эришилгани ҳақидаги хабарни шарҳлашдан бош тортди. Франс Пресс ахборот агентлигининг Қобулдан хабар қилишича, айни вақтда у Нажибуллонинг ҳокимиятдан воз кечганлиги тинчликка олиб борадиган йўлдаги ҳаракатни тезлаштиришга олиб келди, деб таъкидлади.

● Афғонистоннинг собиқ президенти Нажибулло Ҳиндистон таймс» рўзномаси «ишончли манбаларга» асосланиб.

Хавфсизлик мулоҳазалари билан унинг етиб келганлиги ҳақидаги маълумотлар қатъий сир тутилмоқда ва бу хусусда расмий баёнотлар берилмади.

Ҳозирги вақтда Нажибуллонинг оиласи — хотини ва уч қизи қаттиқ муҳофаза остида. Ашока меҳмонхонасида турибди. Улар Нажибулло истеъфога чиққанлиги тўғрисида Қобулдан хабар олиниши биланоқ, дарҳол Афғонистон элчиси Аҳмад Сарварнинг оиласи билан бирга бу ерга келган эдилар.

ЭЗГУ-ТИЛАК БИЛДИРИЛДИ

● Рим папаси Иоанн Павел II муқаддас Ватикандаги муқаддас Петр майдонида йиғилган ўн минглаб зиёратчилар ҳузурида сўзга чиқди.

Павел II ҳайит кунида барчага тинчлик ва омонлик истаб эзгу ниятлар билдирди. Тантанали маросим телевидение орқали хорижий элларга ҳам олиб кўрсатилди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

КЎКЛАМНИНГ ҲАР КУНИ ЙИЛГА ТАТИЙДИ

Ҳозир деҳқон тинмай-тинчимайдиган палла: ризқ-рўзимиз баракаси айни шу кунлардаги сайъи-ҳаракатга боғлиқ эканлигини деҳқонларимиз яхши биладилар. Шеробод районидаги «Шеробод» давлат хўжалиги деҳқонлари беданинг биринчи ўримини бошлаб юбордилар.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) комбайнчи А. Алибоев, бригадир М. Қурбонов, комбайнчи С. Холлазов, бош аграном И. Маммараимов ва бош мухандис П. Шоймонов-лар ҳосил сифатини кўздан кечирмоқдалар.

И. ХУЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ҳамма пахтакор хўжаликларида чигит экиш давом этмоқда. Уларнинг айримларида чигит экиш муваффақиятли тугалланганлиги ҳақида хабарлар кетмакет келиб турибди. Масалан, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан шундай хушхабарлар олинди. Ғузор районидаги Улуғбек номли, Куйбишев номли, Майна Ҳасанова номли давлат хўжаликларида бу иш қулай, агротехник муддатларда якунланди. Миришкорларнинг нияти — чигитни ўз намига ундириб, тўла гектарлар ҳосил қилиш.

Умуман олганда бу йилги чигит экиш мавсумининг ўзига хос жиҳати ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳозир барча юмушлар қатъий график асосида олиб борилмоқда. Хўжаликлар экин майдонлари структурасини белгилаш борасида тўла мустақил бўлдилар. Шунинг учун ҳам республикада пахта экиладиган майдонлар йилдан-йилга камайиб бораётир. Солиштириш учун айтиб ўтамиз: Агар ўтган йили пахта майдонлари 1 миллион 720 минг гектарни ташкил этган бўлса, бу йил камида яна 60—70 минг гектар ер сабзавот, полиз ва бошқа экинлар учун бўшатиб берилади. Бу билан узоқ йиллардан буён суст ўзлаштириб келинган алмашлаб экиш агротехникаси янада жадаллашади. Демак, чорвачиликни емхашак билан таъминлаш муаммолари ҳам ҳал этилади.

Мавсумнинг яна бир хусусияти шуки, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан пахта, пилла, чорвачилик маҳсулотларининг харид нархи бирмунча оширилди. Бу, албатта, пахтакорларнинг кучигакуч, ғайратига-ғайрат қўшди. Бинобарин, деҳқоннинг

Таҳлил ва сабоқ

ФУРСАТ ҒАНИМАТ

кузда оладиган даромади ҳам шунга яраша анча кўпаяди.

Лекин вақт кутиб турмайди. Шу боис тадбиркор деҳқонлар ғўзанинг тезпишар навлари чигитини кўпроқ экишга интилмоқдалар. Зеро, кузда ҳаво айниб, ёғингарчилик бошланганча ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиб, сифатли толага эга бўлиш керак-да! Кўпгина хўжаликларда ғўзанинг ўрта толали «АН—415» ва «АН—510» навлари экилмоқда. Қашқадарёликлар эса ғўзанинг районлаштирилган тезпишар ингичка толали «Қарши-8» нави чигитини ерга қадаётирлар. Умуман, бу йил пахтакорлар ва қайта ишлаш корхоналарининг меҳнаткашлари 1 миллион 384 минг тонна пахта толаси етиштиришни кўзда тутишган. Бинобарин, ишлаб чиқариладиган бу тола республикамизнинг ташқи ва ички бозорига чиқарадиган асосий маҳсулоти бўлади, у иқтисодиётимизни янада ривожлантиришдаги муҳим омиллардан бири.

Яна бир гап. Бозор муносабати барча жабҳаларда ишбилармонликка аҳамият бериш лозимлигини кўрсатмоқда. Шу боис ҳар бир тийинни ҳисоб-китоб билан сарфлаб, етти ўлчаб бир кесмоқ даркор. Масалан, мавжуд техниканинг ишдан чиққанидан яроқлиси учун эҳтиёт қисм сифатида фойдаланиб, икки-учта яроқсиз техника воситасидан битта механизм яратиш борасида муваффақиятга эришаётган хўжаликлар талайгина. Чунончи, Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли, И. Охунбобоев номли жамоа хўжаликларида техникадан фойдаланишда яхши натижаларга эришилмоқда.

Умуман, республикамиз бўйича чигит экишнинг бориши ҳақидаги маълумотларга кўз югуртирадиган бўлсак, қаердаки техника, ёқилғи-мойлаш материаллари ва бошқа воситалардан самарали фойдаланилаётган бўлса, ўша ерда тезкорлик таъминланаётир. Масалан, Андижон вилояти деҳқонлари чигит экишда ҳаммадан ўзиб кетишди. Улар ҳозиргача экин майдонининг 83 фоизига чигит экишди. Бухоро, Фарғона, Тошкент, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари деҳқонлари ҳам бу ишни 68—77 фоиз миқдорида уддалаб қўйишди. Лекин, ғанимат фурсатларни бой бериб, ишни уддабурролик билан ташкил этмаётган вилоятлар ҳам бор. Масалан, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари деҳқонлари вақтни бой беришмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, чигит экишда ўтган йилги суръатдан анча илдам кетиляпти. Масалан, ўтган йилнинг шу даврига ча 733 минг гектар ерга чигит экилган бўлса, бу йил шу кўрсаткич 837 минг гектардан ошди. Демак, жами чигит экилиши керак бўлган 1 миллион 650 минг гектар майдоннинг ярмига чигит экиб бўлинди.

Қадрли пахтакору механизатор биродарлар! Яна бир ғайрат қилсак барака уруғини қисқа муддатларда қадаб оламиз. Улкан хирмон йўлидаги дастлабки қадамни қўямиз!

Ш. МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

• ИБН СИНО МАДАДИ

СИЗЛАР • УЧУН • ЯШАЯПМАН

Ўшанда у ўн ёшларда эди.

Хидоят она ихлос-эътиқод билан Туркистонга йўл олди. Аҳмад Яссавий мақбарасини тавоф айламоқчи бўлди. Зиёратгоҳ одамлар билан ғоят гавжум. Кимдир қурбонлик қилар, сиғинар, бошқа бири эса дардига шифо сўрарди.

— Азиз-авлиё жой бу ер, — тушунтирди Ҳидоят она қизалоғига.

Мўътабар дугонаси билан мақбарага йўл олишди. Йўқ, дугонаси нимадандир чўчиди, орқага қайтди. Мўътабар эса ҳамон зиёратни давом эттирар, қандайдир сурани иштиёқ билан ўқирди.

Худди шу сония мақбара туйнугидан нимадир кўринди. Оқ илон, оппоқ илон! Мўътабар эътибор қилмади. Зиёратни давом эттирди. Билакдек йўғон ва узун илон инига қайта йўл олди. Кейин, кейин... Ўша, худди ўша туйнукдан ҳушбичим соқолли, нигоҳлари илоҳий ёғдуга қоришиқ, қуюқ мош-гуруч соқолли, қирра бурун, оқ симобий салла, яктак-чопон кийган эллик беш ёшлардаги отахон тушдилар-да, «Хуш келибсиз, бўтам»! дедилар. Мўътабар юрагидаги сўзларни тўкиб солди. Суҳбат чамаси узоқ давом этди. Шундан кейин оқсоқол оқ фотиҳа бердилару қабр томон бора туриб изсиз сингиб кетди.

Сўнг қудуқ томон юришди. Ҳамма бирин-кетин танга ташлашарди. Мўътабар танга отиши билан қудуқ сувга тўлгандек туюлди. Бошқа қудуқларга ҳам шундай қилишди. Сув лойқаланганча қолаверди. Мўътабар танга ташлаганда эса булоқ сувининг ғоят тиниқ ва мусаффо кўринарди. Бу унинг ҳаётидаги унутилмас кунлардан бири эди.

Ўн тўрт ёшида волидаи муҳтарамаси дорилбақога рихлат этгач, болаликдан шифокор бўлишлик орзуси унга тинчлик бермай қўйди. Зангиота (собиқ Калинин) районидаги 14-мактабни олтин медаль билан битириб, тиббиёт институтига ҳужжат топширди. Синовлар ортда қолди. Талабаликнинг масъулиятли онлари бошланди. 1985 йилдан бошлаб терапевт-шифокор сифатида беморларни даволашга киришди.

Лекин... ҳаётнинг турли довонлари унинг шифокорлик касбини давом эттиришга имкон бермади. Негаки, фарзанди Абдураҳим саккиз ойлилигида икки томонлама зотилжам ва яна бир қатор дардларга дучор бўлди. Мўътабар ва унинг касбдошлари бу дардларни даволашга ожизлик қилишди. Ҳатто тиббиёт фани ҳам ўз пайтида ёрдам беролмади. Мўътабар эса ўз фаолиятини фарзандига бахшида этишга қаратди.

Бу орада онаси тушида аён бўлиб, беморларни даволашда давом этишга фотиҳа берди. Экстрасенслар уюшмаси мутасаддиларр Мўътабарнинг қобилиятини ҳар томонлама тадқиқ қилдилар. Унинг кўзлари, сўзлари ва қўлларида кучли бионур борлиги намоён бўлди. Уюшмадаги ўқишни ҳам ниҳоясига етказди.

Бундан икки йил муқаддам, ёз ойларида Мўътабар Ёқубова Москва шаҳрида сайёрамизнинг кучли экстрасенслари, табиблари, олимлари йиғинида иштирок этди. Дунё эркин нафас олиш ассоциациясининг президенти, профессор Боб Мендель, Америқо халқ табобати ассоциацияси раҳбарлари ва бошқа олимлар Мўътабарнинг қобилиятига юксак баҳо бердилар ва уни Америқо, Исроил, Янги Зеландияга таклиф этдилар. Машҳур олим Ф. Пресс Мўътабарда биолакация қобилияти кучли эканлигига иқрор бўлди.

Ҳозир М. Ёқубова республика халқ табобати қўмитаси қошидаги илмий ишлаб чиқариш маркази бош директоридир. У ҳар бир сеансида Ибн Сино, Тибет услублари асосида даволашга эътибор беради. Мўътабархондан шифо топган беморларнинг дил сўзлари баён этилган ўнлаб, юзлаб мактубларни ўқиймиз.

«Мен 54 ёшдаман. Сизнинг сеансларингизда икки бор қатнашиб қон босимимдан асар қолмади. **Г. Долганова».**

«Тўқсон ёшга яқинлашдим. Иккала кўзим кўрмай қолганди. Ҳозир ёруғ дунёдан баҳрамандман. **Х. Одилова».**

«Тўққиз ёшдаман. Оёқ-қўлим оғриб юролмай қолдим. Раҳмат, ҳаммаси ўтиб кетди. **Г. Шермуҳамедова».**

Бундай қалб ташаккури битилган мактубларни ҳаяжонланмай ўқимасликнинг иложи йўқ.

Мен Мўътабар Ёқубова билан мулоқотда бўлиб, унинг бутун борлиғи, ҳаёти инсоннинг оғирини енгил қилиш, дардга даво топишдан иборат эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

— Биласизми, — деди у хайрлаша туриб, — аввало, одамларнинг дилини даволаш керак. Ана шу дилга йўл топа олган шифокор ҳам, табиб ҳам кам бўлмайди.

Ҳақ гап!

М. ПИРМАТОВ.

АНДИЖОН БИРЖАСИНИНГ ИЛК ТАЖРИБАСИДАН

МАҚСАДИМИЗ — ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ

● СУҲБАТДОШНИ ТАНИШТИРАМИЗ: Эркин Нурматович Тўхтасинов Андижонда алоҳида ҳурмат ва эътиборга эга. Кўпчилик уни самимий, ҳалол-пок, ишбилармон сифатида қадрлайди. Отаси Нурмат Тўхтасинов кўпни кўрган, обрўли одам эди. Узоқ йиллар Хоразм, Фарғона, Андижон вилоятларида ички ишлар бошқармасига раҳбарлик қилган.

Эркин Нурматович ҳам ота изидан борди, бир неча йил вилоят хавфсизлик қўмитасини бошқарди. Кейин хўжалик ишларида ишлаб, охирги йилларда вилоят саёҳатлар бирлашмасининг бош директори бўлди. Бозор иқтисоднётига ўтилиши муносабати билан Эркин Тўхтасинов Андижон моллар ва хом ашё биржасини ташкил этди. Биржа ҳайъати катта ишонч билдириб, уни биржа президенти қилиб сайланди. Мухбиримизнинг у билан суҳбатини диққатингизга ҳавола этамиз.

— Эркин Нурматович, биржани ташкил этиш ва уни оёққа турғазиш учун кўп тер тўкдингиз. Бунинг бонси нима?

— Бозор иқтисодиётига ўтилгач, аҳоли зич жойлашган Андижон шаҳрида дўконлар ҳувиллаб қолди, пештахталар бўм-бўш. Нархнаво жуда баланд. Корхоналарда эса ортиқча, ҳаракатсиз ётган моллар, хом ашёлар бор. Йиллар давомида тўпланиб қолган бу «ўлик» молларни «тирилтирилиши», уларга муҳтож кишиларни топиб сотиш, айни вақтда ўша корхоналарга ннмалар зарурлигини аниқлаш лозим. Бу ишни фақат биржа орқали амалга ошириш мумкин. Биз ана шу мақсадни кўзлаб биржа ташкил этганмиз. У ўзига хос савдо хизмати вазифасини воситачилик йўли билан корхоналар, ташкилотлар ва истеъмолчиларни бир-бирларига яқинлаштиряпти. Бундан биржамиз ҳам истеъмолчилар ҳам, давлат ҳам катта фойда кўряпти.

Гарчи биз учун биржа фаолияти янги соҳа бўлса ҳам унинг қонун-қоидаларини тезда ўрганиш ва ўзлаштиришга эришдик. Бошқа жойлардаги биржалар, воситачилик-даллоллик фирма ва идоралари билан алоқани мустаҳкамлашга интиляпмиз. Биржамиз қаддини ростлагани сайин иш кўлами ҳам ортяпти. Ҳозир рўйхатга олиш, ҳисоб-китоб палатаси, арбитраж комиссияси, тижорат-ахборот алоқалари ва бошқа бўлимлар фаолият кўрсатяпти.

— Биржа ўз фаолиятида нимага асосланиб иш юритади, бирон қўлланма борми?

— Бор, биржанинг биринчи таъсис йиғилишида низом ишлаб чиқилган. Унда биржа фаолиятига доир барча режалар ўз ифодасини топган. Ҳар бир таъсис этувчи низом фондига 100 минг сўмдан маблағ қўйган. Истеъмолчи ва маҳсулот етказиб берувчининг келишув пулидан биржа ҳисобига бир фоизи қўшилади. Бундан ташқари биз 350 та брокерлик—даллоллик ўрнини яратдик. Вилоятимиз аҳолиси учун битта ана шундай ўрин 100 минг сўм туради. Ўзбекистоннинг қўшни вилоятларидан келган ишбилармонлардан эса икки ҳисса олинади. Бошқа республикалардан келган даллоллар эса 500 минг сўмдан, чет элликлар эса 25 минг АҚШ доллари тўлайдилар. Бу даллоллик ўринларининг фақат бошланғич баҳосидир. Аслида бундай ўринлар бирмунча қимматроқ туради. Унинг миқдори биржа кўрадиган фойдага боғлиқдир.

Биржа бошқарувининг олий органи таъсис йиғилиши бўлиб, у бир йилда бир марта ўтказилади. Йиғилишлар ўртасидаги ижрочилик, қонунчилик ва назорат қилиш ишларини биржа кенгаши бажаради. Биржанинг бошқа ташкилотлардан фарқи шундаки, у давлат қонунларига таянган ҳолда мустақил ишлайди. Юқорида айтганимдек, мақсадимиз халққа холис хизмат қилиш, вилоят бозорларини ҳар хил молларга тўлдиришдир.

Бунинг учун энг аввало бозордаги муҳитни биржадаги ҳалол савдо-сотиқ йўли билан соғломлаштириш лозим. Бу жой фақат мол сотиб олиш ва сотиш учунгина хизмат қилмай, балки ишлаб чиқаришнинг ўсишини мувофиқлаштириб туришга, ҳамкорликдаги корхоналар, янги ишчи ўринлари яратишга ҳам хизмат қилади.

Бугунги кунда вилоятимиздаги қурилиш, саноат, транспорт ва бошқа соҳаларни хом ашё, материаллар билан таъминлашда ниҳоятда оғир вазият вужудга келган. Россия ва бошқа мустақил республикалар билан иқтисодий алоқалар издан чиққан, қатор корхоналар зўрға ишлаб турибди. Биз ана шундай ночор аҳволни ўнглаш учун ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиляпмиз. Ишонч билан айтишим мумкинки, биржамиз қанча тез шакилланса, холис хизмат шунча тез яхшиланади. Маънавий, ахлоқий муҳит мувофиқлашади. Одамлар ўз ишини билиб қиладиган бўладилар.

— Биржа иш бошлаганига тўрт ойдан ошди. Шу давр ичида қайси корхона ёки қурилиш ташкилоти биржа орқали қандай маҳсулотлар олди?

— Биз Польша, Австрия, Хитой, Беларусь, Украина, Россия, Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон каби 22 та давлат билан иқтисодий шартнома туздик. Бу ҳужжатларда ҳамкорликда қўшма корхоналар қуриш, ишчи ўринлари ташкил этиш бўйича аниқ таклифлар бор. Москва, Санкт-Петербург шаҳарлари билан тузган битимимизга катта умид боғлаяпмиз. Қараганда эса ҳозирнинг ўзидаёқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига металл беришга тайёр. Ҳозир маблағимиз етарли.

Айни пайтда биз акцияларни ҳам тайёрлаб қўйдик. Акцияларнинг ҳар бири харидорнинг имкониятига қараб минг сўмдан 100 минг сўмгача туради. Акцияни сотиб олувчилар доғда қолмайдилар. Бу қимматбаҳо қоғозлар уни сотиб олувчиларга қўйган пулининг 20 фоизи миқдорида даромад келтиради. Энг муҳими, акционерлар ҳар қандай кутилмаган ҳолатлардан суғурта қилинган бўладилар.

Биржанинг дастлабки савдоси ўтган йил 21 декабрда кўнгилдагидек ўтган эди. Унда Москва, Санкт-Петербург ва Тошкент шаҳарларидан, Узоқ Шарқ регионларидан келган ишбилармонлар, Польша, Олмония ҳамда Туркия билан ҳамкорликда қурилаётган қўшма корхоналарнинг вакиллари иштирок этдилар. Биржа савдосида 52 миллион сўмликдан кўпроқ савдо-сотиқ ва ўзаро айирбошлаш амалга оширилди. Савдо-сотиқ битимлари тузишда Россия, Ўш, Жалолобод, Фарғона ва Наманган биржалари фаол қатнашдилар. Умуман, биржанинг биринчи қадами дадил ва умидли бўлди.

Маҳаллий ҳокимият биз бошлаган ишнинг вилоятимиз келажаги учун катта иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб биржамизга алоҳида жой берди. Бундан буён савдо-сотиқ ишларини Навоий шоҳкўчасидаги 39-уйда мунтазам ўтказаверамиз.

Биз Андижон шаҳри ва вилоятига амалий ёрдам кўрсатиш ҳақида ҳам ўйлаяпмиз. Биржа маҳаллий бюджетга салмоқли ҳисса қўшади.

Биржадаги савдо-сотиқнинг самараси воситачи-даллолларнинг ишбилармонлиги ва иқтисодий билимдонлигига боғлиқ. Лекин биз-нинг воситачи-даллолларимиз кўп ўқиши ва ўрганиши лозим. Шу мақсадда биржа қошида ёш бизнесменлар клубини очдик. Бу клубга ҳозир иш олиб бораётган кўп ёш воситачи-даллоллар уюшган. Улар малакали мутахассисларнинг амалий маслаҳати асосида бир-бирларига ёрдам берган ҳолда ишламоқдалар. Шунингдек, улар арбитраж масалалари бўйича юридик маслаҳатлар бериш ва юзага келган келишувчиликларни тезкорлик билан ҳал этишга ҳам мутасадди қилинган.

Республикамизда нархнавонинг эркин қўйиб юборилиши биржадаги савдо-сотиққа ҳам таъсир қилди. Дастлабки савдода бир тонна металлнинг баҳоси 5 минг сўм қўйилган бўлса, бугун 15 минг сўмгача кўтарилди. Шунинг учун ҳам биржа раҳбарияти асосий эътиборни молларни иложи борича сотиб олишга эмас, аксинча истеъмолчиларнинг талабини қондиришга, харидорнинг имконияти, манфаатини биринчи ўринга қўйишга қаратмоқда. Воситачи-даллолларга ҳам ўзларини харидорлар ўрнида ҳис этишлари кераклиги уқтириляпти.

Харидор билан сотувчи ўртасида ҳалоллик, розиризолик бўлсагина савдо-сотиқда қут-барака бўлади. Биз шунга эришиш учун курашяпмиз.

— Сизнингча, кейинги савдо-сотиқнинг ўзига хос томони нимада?

— Ҳар бир савдо-сотиқ маросимида биржага тақдим этилаётган моллар миқдори, хили азвалгисига нисбатан кўпайиб боряпти. Қишлоқ хўжалиги техникаси, турли маркадаги автомобиллар, металл, қурилиш материаллари, кийим-кечак, электр жиҳозлари, озиқ-овқат маҳсулотларининг кўп турлари сотишга қўйилмоқда.

Шу йил январь ойида ўтказилган очиқ савдоларда ўзаро келишувга мувофиқ Андижон аҳолиси учун салкам 10 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари сотиб олинди. Энг муҳими, биржанинг очиқ савдоси кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Унда савдо ташкилотлари ва ширкатларнинг раҳбарларигина эмас, жамоа хўжаликларининг раислари ҳам қатнаша бошладилар. Улар бу ерда шунчаки томошабин бўлиб ўтиришмайди, балки тавсия қилинаётган моллардан ўз хўжалиги, жамоаси манфаатини ўйлаб сотиб олишга ҳаракат қилишяпти.

— Эркин Нурматович, энди амалга оширилаётган ташкилий ишларингизнинг самарасини тасдиқловчи аниқ мисоллар айтсангиз?

— Мен Қўрғонтепа ноҳиясидан очиқ савдомизга келган «Султонобод» жамоа хўжалигининг раиси Козимжон Бекмирзаевдан биржамиз фаолиятига муносабатини сўрадим. У биржанинг аввалги савдоларида қатнашмагани учун афсусланди: нега деганда бу сафар биз ҳам ўз маҳсулотларимиздан сотиш учун намуналар олиб келган бўлардик, деди у. Биржа даллоллари билан келишиб қўйдим. Келаси савдога 33 тонна иккинчи нав пахта толаси, узунлиги 1,5 метр, эни 90 сантиметрли бир неча тонна тунука, хўжалигимиз кичик корхонасида ишлаб чиқарилган плёнка ва бошқа маҳсулотларимизни сотишимиз мумкин.

Биржамиз фаолиятини жонлантириш юзасидан фойдали таклифлар ҳам тушяпти. Андижон пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг баш директори Абдуғулом Жалолов косибчиликка ишлатиладиган чарм, кўн ва бошқа нарсалар биржа савдосига қўйилмаётганлигини айтди. Армавир, Иваново, Орёл, Чимкент шаҳарларидаги ҳамкасбларимиз билан бўлган алоқаларимиз илгаригидек яхши самара бермаяпти. Шунинг учун Андижон биржаси Россия, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги биржалар билан алоқани мустаҳкамлаб, уларни келгуси очиқ савдоларга таклиф этса яхши бўларди. Биз бу таклифни бажонидил қабул қилдик ва олис ўлкаларга алоқа хатлари юбордик.

— Эркин Нурматович, энди биржанинг кейинги очиқ савдоси якунлари ҳақида гаплашсак.

— Яхши. Биржамиз Фарғона водийсидаги биржалар билан келишган ҳолда биринчи марта 26 февралда қўшма очиқ савдо ўтказди. Унда Андижон, Наманган, Қўқон, Ўш, Хўжанд, Қозоғистон, Беларусь, Россия биржаларининг вакиллари қатнашдилар. Қўшма савдога 800 миллион 200 минг сўмлик ҳар хил моллар ва хом ашёлар қўйилди. Шунингдек, вилоят саёҳатлар бирлашмаси биринчи марта биржа савдосига Болгария, Туркия, Ҳиндистон, Сурия ва бошқа давлатларга бориш учун ўз йўлланмаларини қўйди. Хўжандлик меҳмонлар 60 тонна уч бурчакли металл, 15 тонна арматура, 500 дона (ҳар бири 100 граммдан) облипиха мойи сотдилар. Андижонликлар қўқонлик меҳмонлардан 1,5 миллион дона силикат ғишт, 20 минг шиша «Ўзбекистон» виноси харид қилдилар. Умуман ўша куни салкам 7 миллион сўмлик савдо-сотиқ бўлди...

Имкониятдан фойдаланиб шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати биржалар тўғрисида тайёрлаётган қонунда биржаларга чет давлатлар ва қардош республикаларга мол чиқариш ҳамда айирбошлаш ҳуқуқи берилса яхши бўларди.

РАССОМЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси Рассомлар уюшмасининг XIV қурултойи бўлиб ўтди. Унда уюшма бошқаруви раиси Б. Жалоловнинг икки қурултой орасида қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисобот маърузаси тингланди.

Музокараларда сўзга чиққан нотиқлар асосий диққат-эътиборни бозор иқтисодиёти шароитида тасвирий санъатнинг тақдирига қаратдилар.

Бугунги кунда бошқа ижодий уюшмалар каби Рассомлар уюшмаси ҳам оғир иқтисодий аҳволни бошидан кечирмоқда. Шу муносабат билан рассомлар, санъатшунослар долзарб муаммоларни кун тартибига қўйишди.

Қурултойда Р. Аҳмедов Рассомлар уюшмаси бошқарувининг президенти этиб сайланди.

Қурултой ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Назаров иштирок этди.

(ЎзА).

Кимнинг уйи чиройли

Ҳозирги иқтисодий танглик даврида уй қуриш ҳам осон бўлмай қолди. Одамларни айниқса, қурилиш материаллари топа олиш муаммоси кўпроқ ташвишлантирмоқда. Бунинг устига уста ҳақининг ошиб бораётганини айтмайсизми?

Хўш, ана шундай оғир ва мураккаб дамларда одамларнинг оғирини енгил қилиш учун қандай чоралар кўрмоқ лозим? Республика «Шаҳарсозлик» ассоциацияси билан Сирдарё вилоят меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқармаси ўзаро ҳамкорликда Гулистон шаҳрида ташкил этган кўрик-кўргазма шу долзарб муаммога бағишланди.

Кўргазмани ташкил этишда «Средазгипроцелинстрой», «Гипростройнинг Ўрта Осиё филиали, Ўзбекистон архитекторлар уюшмаси, «Узгипросельстрой», «Ташгипрогор», «Узнинградостроительство» сингари нуфузли ташкилотларнинг етакчи мутахассислари билан биргаликда Сирдарё вилоятининг барча шаҳар районлари меъморчилик ташкилотлари ўзларининг энг замонавий лойиҳалари билан иштирок этдилар.

Жумҳуриятимиз ҳамда қўриқ воҳа меъморлари ҳозирги даврнинг асосий муаммоларидан бири — қишлоқларимиз замонавий ва миллий қиёфасини яратиш, серфарзанд халқимиз учун арзон, шинам ва чиройли уй-жойлар, мактаб, маданий-маиший бинолар лойиҳасини ишлаб чиқишни бош мавзу қилиб олганлар.

Кўргазмада Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Гулистон ва жумҳуриятимизнинг бошқа шаҳарларидаги замонавий мавзелар (микрорайонлар) қандай лойиҳалаштирилаётганини кенг акс эттирувчи ижодий ишлар намойиш этилган. Бу борада лойиҳачиларимиз томонидан яратилган энг янги намуналар кўз-кўз қилинди. Вилоят бинокорлари эса ўзларининг арзон ва пишиқ қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлидаги ишларини намойиш қилдилар.

Мазкур кўргазма деярли бир ҳафта мобайнида ишлаб турди. Уни қўриқ воҳанинг кўплаб қурувчилари, мутахассислари, турли ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари катта қизиқиш билан томоша қилдилар. Кўргазма ўз ижобий самарасини берса ажаб эмас.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1992—1993 ўқув йили учун

қуйидаги ихтисослар бўйича СИРТҚИ БЎЛИМГА

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қутубхонашунослик куллиётиида — оммавий ва илмий кутубхоналарнинг кутубхоначи-библиографи, болалар ва мактаб кутубхоналарининг кутубхоначи-библиографи, техника кутубхоналарининг кутубхоначи-библиографи.

Маданий-маърифий ишлар куллиётида — маданий-маърифий ишлаб методист-ташкилотчиси, ҳаваскорлик театр ижодиёти раҳбари, Ўзбек халқчолғу асбоблари оркестри ва ансамбли раҳбари, хор ҳаваскорлиги раҳбари, оммавий байрамлар режиссёр-ташкилотчиси, пуфлама чолғулар ҳаваскорлик оркестри раҳбари, халқ ансамбли раҳбари, кино тарғиботи ташкилотчиси, дам олиш ташкилотчиси, овоз режиссёри.

Ўқиш муддати — 5 йил.

МАДАНИЯТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:

Қутубхоначилик куллиётига: она тили ва адабиёт (иншо), Ўзбекистон тарихи (оғзаки), она тили ва адабиёт (оғзаки).

Маданий-маърифий ишлар куллиётига: танланган мутахассислиги (соҳаси) бўйича (оғзаки ва амалий), она тили ва адабиёт (иншо), Ўзбекистон тарҳи (оғзаки).

Олий билимгоҳга кирувчилар ҳужжатларини 22 апрелдан 30 майгача топширадилар. Кириш имтиҳонлари ва қабул қилинганларни рўйхатдан ўтказиш 1 июндан 20 июнгача расмийлаштирилади.

ОЛИЙ БИЛИМГОҲГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШЛАРИ ЛОЗИМ: ариза, ҳарбий мажбуриятга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соғлиги тўғрисида-086/У намунадаги маълумотнома, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, иш муҳлати кўрсатилган меҳнат дафтарчаси кўчирмасининг нусхаси. Паспорт шахсан кўрсатилади.

ОЛИЙ БИЛИМГОҲ МАНЗИЛИ: 700164, Тошкент шаҳри, Яланғоч даҳаси, 127а-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: 62-03-24, 62-03-23, 62-38-33.

ВКП Бутуниттифоқ Марказий меҳнатни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот илмгоҳининг ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БЎЛИМИ

шахсий муҳофаза воситалари лабораториясининг **катта илмий ходими** (фан номзоди) бўш лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов муддати — 3 майгача.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700109, Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 37-уй.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни

БОСМА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРИГА

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— китоблар ва брошюралар, юмшоқ муқовада, 384 бетдан ошмаган; формати 84Х108 1/32, 84Х108 1/16, 70Х108 1/32, 70Х108 1/16 матни босиш ролли бўлган босма машиналарнинг юқори, офсет босма усулида;

— ранг-баранг буклет ва проспектлар, юмшоқ муқовада болалар китобчалари, ёрлиқлар, таклифнома ва ташрифномалар, бошқа турдаги рангли маҳсулотлар, формати 60—45 дан 90Х120 гача офсет машиналарида;

— ойномалар ва болалар учун мўлжалланган адабиётлар, формати 60Х90 1/8, турфалилиги 5+2 бўёқда, 2+2 бўёқда, шунингдек, 84Х108 1/16, 70Х108 1/8, турфалилиги 4+4 бўёқда, ҳажми 384 бетдан ошмаган ҳолда ролли ва офсет машиналарда;

— эни 60 см.дан 90 см.гача, турфалилиги 4 бўёқдан ошмайдиган, деворга ёпиштириладиган гулқоғозлар. Буюртмачининг қоғози бўлса, концерн маҳсулотнинг ўз вақтида сифатли бажарилишига кафолат беради.

НАРХЛАР ШАРТНОМА АСОСИДА БЕЛГИЛАНАДИ:

Буюртмачининг қоғози бўлмаса, «Шарқ» концерни биржадан қоғоз сотиб олишга ёрдам беради.

Маҳсулотларни тайёрлаш муддати: матрица ва позитивлардан — 1 ойгача, оригиналдан — 3 ойгача.

Металлдан шильдер ва клишелар тайёрлаб бериш учун чекланмаган миқдорда буюртмалар қабул қилинади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50, 32-55-31.

Ташкилотимиз эскирган ва илгари ишлатилган IBM PC XT/AT туридаги компьютерларни агентлик мукофот тўлови билан бозор нархида нақд пулсиз харид қилади

Алоқа учун телефонлар: (3712) 45-03-38

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

УСМОН НОСИР НОМЛИ ТОШКЕНТ МАТБАА ТЕХНИКУМИ

қуйидаги ихтисослар бўйича 1992—93 ўқув йилига

кундузги ва сиртқи бўлимга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

10—11 йиллик маълумот асосида:

матбаа машиналарига техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, чоп этиш ишлари, босма қолипларни тайёрлаш, рисола ва муқоваларни ишлаб чиқариш, китоб товаршунослиги, матбаа саноати корхоналарида иқтисодиёт ва режалаштириш.

Ўқиш муддати «Китоб товаршунослиги ва «Матбаа саноатида иқтисодиёт ва режалаштириш» соҳалари бўйича 1 йилу 10 ой (сиртқи бўлимда 2 йилу 5 ой). Қолган соҳалар бўйича 2 йилу 6 ой.

Аризалар 1 июндан 15 августгача қабул қилинади.

Қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. катталикда 6 дона сурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлайдиганлар учун).

Паспорт (туғилганлик ҳақида гувоҳнома) ва ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

ТЕХНИКУМГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:

Ўзбек (рус) тили ва адабиётидан ёзма (иншо).

Математика — оғзаки.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: кундузги бўлимда — 1 августдан 21 августгача, сиртқи бўлимда — 10 августдан 25 августгача ўтказилади.

Ўрта умумтаълим мактабларини олтин ёки кумуш медаль, ҳунар-техника билим юртларини «4» ва «5» баҳога тугатган кишилар «Босма қолипларни тайёрлаш», «Чоп этиш ишлари», «Муқова ва рисола ишлаб чиқариш», «Матбаа машиналари ва ускуналарига техникавий хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш» мутахасссисликларига қабул тугатишга 4 кун қолганда суҳбат асосида қабул қилинадилар.

Ўқувчилар сафига қабул қилиш кундузги бўлимда 20 августдан 25 августгача, сиртқи бўлимда 25 августдан 30 августгача ўтказилади.

Техникумда ётоқхона мавжуд.

Техникум манзилгоҳи: **Тошкент шаҳри, 700011, Навоий кўчаси, 30 «а» уй, (46, 64, 91-автобуслар; 7, 8, 16-трамвайлар; 2; 7, 14, 18, 20, 4-троллейбусларнинг «Хадра» ёки «Марказий телеграф» бекати.**

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-64-54, 44-65-77.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАБОБАТИ УЮШМАСИНИНГ АЪЗОСИ, ҚУҚОНЛИК ҒУФРОНХОН ЭШОН ОТА БАҲОДИРОВ

ДАВОЛАШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИЛАР

Асаб ва руҳий касалликлар, бош оғриғи, қулоқ эшитмаслик, кўздаги хасталиклар, рак, ўсма безлар, қизилўнгач, ошқозон, юрак, жигар, буйрак, ўт, қон босим, нафас қисиши, қандли диабет, бел, оёқ ва бўғинлардаги оғриқлар, қўл-оёғи ишламайдиганлар, уйқусизлик, жинсий заифлик, тагини ҳўллаб қўядиганлар, аёллардаги фарзандсизликка ўхшаш касалликлар билан хасталанган беморлар бионур таъсирида дам солингач дардларидан фориғ бўлишлари мумкин.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Қўқон шаҳар, темирйўл вокзали олдидаги Андреев номли клуб.

СЕАНСЛАР СОАТ 11.00 ДАН 12.00 ГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

ДАМ ОЛИШ КУНИ — ЧОРШАНБА.

УЙ МАНЗИЛИ: Титов номли кинотеатр олдидаги С. Перовский кўчаси, 10-уй.

„ЭЛЕКТРОНИКА"

Аҳолидан халқ истеъмоли молларини қабул қилиб олиш ва сотиш бўйича Тошкент «ЭЛЕКТРОНИКА» фирмали дўкон-салонида очилган тижоратвоситачилик бўлимида Сиз манфаатли тарзда мол сотишингиз ва харид қилишингиз мумкин.

Бўлим дўконнинг иш тартиби бўйича ишлайди: душанба куни — соат 14 дан 18 гача, якшанбадан ташқари қолган кунларда — соат 9 дан 18 гача, танаффус — соат 13 дан 14 гача.

ДЎКОН МАНЗИЛИ: Гоголь кўчаси, 38-уй, (3, 13, 28-трамвайларнинг «Куйбишев район ижроия комитети» бекати).

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент Давлат аграр дорилфунуни ректорати ва касаба уюшмаси ташкилоти ректор ёрдамчиси М. Ж. Шомуротовага отаси

Жўра Собирович РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳи раҳбарияти «Қишлоқ хўжалик иқтисоди ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш» кафедрасининг доценти

Юсуфжон РАҲМОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Абу Райҳон Беруний

ТАРВИҲАЛАР

(«ЖАВОҲИР КИТОБИ»ДАН)

10.

Оқил одам фақат абадий қоладиган нафсоний ишлар билангина лаззатланади, сезгилар сезадиган моддий нарсалар ҳамда улар келтирадиган лаззатлар ҳақиқатидан бебаҳра бўлган нодон эса кўзини ердаги турли безаклар билан зийнатланган нарсалар ва ғайри нотиқ бўлган тилсиз ҳайвонларнигина хурсанд қиладиган дунёвий гўзалликлар билан безанган нарсаларга тикади. У ўша зийнатланган ердаги нарсаларда ўйнаб-кулади, мулойим жойларда (ҳайвонга ўхшаб) ағанайди, ердаги хушбўйликлардан роҳатланади. Ваҳолонки, ҳақиқатда бу ишларни нутқда ажралиб турадиганлар (яъни, ҳайвонлар) бажариши керак эди.

Агар оқил нафсоний лаззатларга ақл ва ибрат кўзи билан қарасагина ундан лаззатлана олади, ғофил эса, бунинг аксича, у фақат жисмоний нарсалардангина лаззат ола олади.

* * *

Чинакам лаззат кишининг бир нарсага ҳирс қўйиши қанчалик кўпайиши билан унга шунчалик эришаверилса, ўшанда ҳосил бўлади. Инсон нафси олдин билмаган нарсасини кейин билгач, худди мана шундай аҳволга тушади.

Аммо қаттиқ ҳаракатдан кейин толиқиб ором олиш вақти етганида бадан роҳат қилишни талаб қилиб, нафсдан устун келади. Шунда бадан нафсни банд бўлган нарсасидан бирмунча вақт узоқлаштиради. Чунки ҳислар ўз фаолиятларида ҳориб чарчаган, лаззатдан баҳраманд бўлишдан ожиз қолади. Ҳаёл суриш қуввати эса тушда ширин хаёл суриш билан чегараланади.

Лаззат яна: эшитилган овознинг маъносини билишдан ҳам иборат*. Борди-ю агар бу товушлар маънодан ҳоли нағмаларидан иборат бўлса, у ҳолда нафс ўз табиатига кўра, унинг берган хабаридан толиқади, натижада у жимлик ва сукунатда қолишни ва ундан қочиб дам олишга интилади.

* Тангри ваъда берган одамлар — «Қуръони карим»да ва «Қиссас-ул-анбиё»да Ҳақ таоло Одам атони яратиб, унга келгусида руҳ берганидан сўнг Ал-мисоқ (аҳдлашув, ваъдалашув) куни келгусида туғиладиган барча одамларнинг руҳларини чақириб, улар билан ваъдалашади. Ўша куни барча руҳлар то қиёматгача ёмон ишлар қилмасликка ваъда беришган.

11.

Агар қийматбаҳо тошлар безак сифатида ишлатилмаганда эди, улар ҳам олтин ва кумушга ўхшаб айрим туюлмаган бўларди. Чунки буларнинг иккови ҳам зарурат туғилганда одамлар эҳтиёжини қоплай олмайди. Балки буларнинг бир-биридан ортиқ-камлиги жиҳатидан турличалиги одамлар эҳтиёжига зарур бўлган нарсаларга боғлиқдир. Қиймат қўйишда олтин ва кумушга нисбатан марварид ва ёқут кейинда туради.

Ҳатто мана шу икки нарса — олтин ва кумуш ёрдами билан ўша қийматбаҳо тошлар ҳам баҳоланади. Кўпинча алмаштириш йўли билан ўша нарсалар иллати четлатилади. Чунки улар жисмоний жавҳарлар бўлиб сезгига яхши кўринганлиги билан нафис бўла олади. Модомики, ўша гавҳарлар ҳис билан боғлиқ бўлса, унга мувофиқ мақтанилади. Агар уларни нафсоний (руҳий) жавҳарларга солиштирсак, унинг сири очилади, аввало мақтанилган ёмонланишга тушади.

Бу худди Абу Бакр ал-Хоразмийнинг таърифига ўхшашдир, у бир кишини мақтаб шундай деган экан:

«У садафдан чиқадиган дурлар бўлмай, балки шараафдан чиқадиган дурларнинг биридир.

У тошдан чиққан ёқутлардан бўлмай, балки ҳур кишиларнинг ёқутларидандир».

* * *

Жимо масаласига келсак, одамлар унга телбаларча бериладилар, ўзларига жавр қилганлар эса унга бутун борлиғини бағишлаб, ҳатто жонини фидо қилиб ҳам юборадилар. Мужомаатда бўлганларни кўрасан-ку, ўзлари ожиз бўлган нарсасига кўпроқ интиладилар: улар ўз севишганлари билан ҳатто бирлашиб ҳам кетадилар, лекин етишолмаслик буларни яна орқага қайтишга мажбур этади. Эркак бутун борлиги билан маъшуқасининг бўйнига осилади, натижада севгилисини бағрига босиб, ором олади, шунда иккала севишганнинг кўкси бирлашади, иккала юрак яқинлашади, нафаслар бирлашиши учун ўпишади, ниҳоят севишганларнинг икковининг ҳам юрак уриши, нафас олиши ҳам, бир хилда — баб-баравар бўлади...

Булар ҳаммаси хилқат — яратилиши ва табиат овлоғидаги тузоқлардан иборатдир. Мана шундай ишлар туфайли ҳамда лаззат ва ором олиш ҳамон мавжуд экан, шахснинг маълум муддатгача нав (уруғ-авлоди)нинг доимий сақланиб қолишига бўлган мақсади

12.

амалга ошади... Шуниси ҳам борки, худди мана шулар туфайли феъл (ҳаракат) амалга ошади, ҳатто ерларни ҳайдаш, насл қолдириш, тирик зотларнинг юзага келиши каби олам тузилиши борасида бўлган тангри мақсади ҳам худди шу йўсинда рўёбга чиқади.

* * *

Бош бадандаги аъзоларнинг энг шарафлиси саналади. Бу худди Ибн Абу Марямнинг (араб шоири, 836—896 йиллар) бошга салла ўраш ва ниқобланиш сабаби ҳақида сўрашганида берган жавобига ўхшашдир. У шундай деган экан: «Дунёни билишимга нимаики керак бўлса, ўзида ўша нарсалар тўпланган ва унинг сезгилари билан узоқдаги мақсадларимга етиша оладиган аъзони мен ҳар қанча безаб, оғриқ ва ифлослик каби унга етадиган турли-туман офатлардан асрасам арзийди».

* * *

Дунёвий ишларда одамларнинг аҳволи турли-туман бўлади, баъзи ишлари учун мақталсалар, бошқа баъзилари учун эса мазамматга учрайдилар. Мақталгувчилар фазилати мазамматга учраган кишилар кароҳати билан зоҳир бўлади. Шунда ёмонланувчилар ўзларининг ёмонликлари ҳақида эсланишни хоҳламайдилар ва мақтовли фазилатни ўзларига ёлғондан нисбат берилишини ёқтирадилар, аслида эса улар бундай олийжаноб феъл-ларнинг ҳеч ҳам соҳиби бўлмаган эдилар, шу тариқа улар (фазилатсизлик) нати жасида келадиган ҳижолатдан четда қолдилар,охир-оқибатда улар бу билан унинг азоби хавфидан ҳоли қоламан, деб ўйлайдилар.

* * *

Ундан кейин мақтовли ишлар қутби мурувват саналиб, мурувватнинг ўқи эса тозалик ва покизаликдир.

Кимки тозалик ва покизаликка ўз ихтиёри билан берилиб, уни тутишга қодир бўлолса, у маъмурчиликка эришади. Кимдаким тозаликка эришолмаган бўлса — фақирликда умр кечиради. Сернеъматлик фақирлик билан бўлади. Улар иккалови орасида эса ўзига тўқ, маишатдан нолимайдиган, доимо кети узилмас тирикчилик моддалари билан таъминланганлик ётади. Унинг бахти ҳам холис дўст билан бўлади, дўсти эса олийжаноб табиатли, мақтовга сазовор ҳулқ-атворли киши бўлади. Ундайлар худди фикри-зикри, руҳ тузилишлари бир хилу, фақат баданлари турличадир, холос. Чинакам дўст ҳақида айтилган «у сену, фақат туси сендан бошқача, холос», деган гапига тўғри келади. Уларнинг ҳар бири ўзига раво кўрмаган нарсасини дўстига ҳам раво кўрмайди, у ўзига нима лойиқ кўрса, дўстига ҳам ўша нарсани раво кўради. Ундай дўсту ёрларнинг саноғи фақат битта деб билинади, чунки бу саноқ энг аввал бошдан чегаралаб қўйилган. Бошқа дўстлар саноғи учун эса ўзга чегара ҳам бўлмайди, унинг аҳволини ўлчаб кўрсатадиган бошқа таъриф ҳам бўлмаса керак.

Шуниси борки, ҳиммат — яхшиликка интилиш мурувват даражаси каби орта боради. Яхшилик қилиш хисси барча одамларда бир хилда пайдо бўлаверади, айниқса у ўз жинсидан бўлак одам бўлса бунда айни муддао. Ожиз қолган кезда орзу таманноси билан, имкон-қудрати бўлган кезда эса ўз феъл-ҳаракати билан яхшилик қилади.

(Давоми бор).

СПОРТ

БУШ КЕЛМАДИ

● **ТОШКЕНТЛИК** таниқли гимнастикачи Оксана Чусовитина Москвада ўтказилган халқаро мусобақада мукофотли ўринларни эгаллаган эди.

Шу кунларда Парижда давом этаётган жаҳон чемпионатида ҳам спортчимиз бўш келмасликка ҳаракат қилмоқда. Чунончи алоҳида машқларни бажариш бўйича бронза медалини қўлга киритди. Оксананинг таяниб сакраш бўйича машқлари 9,9,37 балл ҳисобида баҳоланди.

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВ

● **ҚАРШИ** шаҳрида миллий курашнинг бухороча усули бўйича Ўзбекистон шахсий-жамоа биринчилиги ўтказилди.

Жамоа ҳисобида Қашқадарё Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг полвонлари фахрли ўринларни эгаллашди. Шахсий ҳисобда эса тошкентлик А. Тошмуҳамедов, З. Эшмуродов, бухоролик Т. Умаров, қашқадарёлик Т. Авлиёқулов, Т. Нортожиев, В. Авазов, У. Бозоровлар ғолиблик супасига кўтарилишди. Тошкентлик А. Пирматов мутлақ ғолиб деб топилди.

ЎРИНЛАРДА ЎЗГАРИШ

● **ОЛИИЛИГА**чилар ўртасида ўтказилган навбатдаги учрашувларда жамоалар мавқеини мустаҳкамлашди.

5-тур учрашувларида «Мароқанд», «Нурафшон», «Сўғдиёна», «Навбаҳор», «Шаҳрихончи», «Темирйўлчи» «Косонсой», «Пахтакор», жамоалари ғалаба қозониб ўз ҳисобларига иккитадан очко ёзишган эди. 6-тур ўйинларида қўқонлик темирйўлчиларнинг яна омадлари келди. Улар бу сафар Тошкентнинг «Трактор» жамоасини қабул қилиб, дарвозага иккита жавобсиз тўп киритишди. Улар ҳисобидаги очколар 9 тага етиб, ягона пешқадам бўлиб олдилар. Биринчи ўринда бораётган «Наврўз» футболчилари эса 7 тадан очко тўплаган «Пахтакор», «Нурафшон» жамоалари қатори кучлилар сафидан жой олиб турибдилар. «Сўғдиёна» эса саккизта очко билан иккинчи ўринга кўтарилди. Навбатдаги учрашувлар 26 апрель куни ўтказилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

ТИББИЁТДА ЯНГИЛИК

Андижон вилоятининг Шаҳрихон шаҳрида Америка-Австрия ва Совет қўшма тиббий бирлашмаси корхонаси «СВЕНАС» электропунктур орқали этиологик (сабаби) касалликни аниқлаш ва биологик актив суюқлик билан даволаш марказини ташкил қилди.

Бу усулга Америка-Австрия ва Совет олимлари асос солдилар. Марказ шу йўл билан одам организмидаги ички аъзоларининг функционал ҳолати биоэнергиясини ўлчайди ва ҳамма касалликларни, ҳатто киши ўзи билмаган касаллик ва бошқа ахборотларнинг этиологик сабабини 40—60 дақиқада аниқлаб беради.

Ускуна эса биологик актив суюқлик тайёрлаб беради. Суюқлик таркибида гомеопатик, аллопатив ва бошқа биологик моддалар, гиёҳлар бўлиб, бутун дунёга машҳур француз табиби Шаарет усулига асосланган.

Биологик суюқликни ўзингиз билан олиб кетиш учун 0,5—1 литрли ҳажмдаги термос олиб келинг.

ХАСТАЛАНДИМ ДЕБ АФСУСЛАНМАНГ, КЕЛИНГ ДАРДИНГИЗГА ДАВО БЎЛАЙЛИК!

Бизнинг манзилгоҳимиз: Андижон вилояти, Шаҳрихон шаҳри К. Маркс кўчаси, 35-уй. Пахта тозалаш заводининг даволаш бўлими.

Телефон: 2-38-86, 2-26-89.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ИҚТИСОД ИЛМГОҲИ 1992 ЙИЛ УЧУН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ДОКТОРАНТУРАГА, ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БУЙИЧА:

— Меҳнат иқтисоди — 1;

— Халқ хўжалиги ва унинг тармоқларида иқтисод, режалаштириш ва бошқаришни ташкил этиш — 1.

ҚУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БУЙИЧА:

— Меҳнат иқтисоди — 1;

— Халқ хўжалиги ва унинг тармоқларида иқтисод, режалаштириш ва бошқаришни ташкил этиш — 3;

— Сиёсий иқтисод — 1.

СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БУЙИЧА:

— Меҳнат иқтисоди — 1;

— Халқ хўжалиги ва унинг тармоқларида иқтисод, режалаштириш ва бошқаришни ташкил этиш — 1;

— Сиёсий иқтисод — 1.

Ҳужжатларни топшириш муддати 1992 йил 1 сентябргача.

Манзилгоҳимиз: 700170. Тошкент шаҳри, Мўминов кўчаси — 9-уй, 5-қават, 532-хона.

• *Сизда қандай янгилик бор?*

ЙИРИК СОВУТГИЧ

● **Навбаҳор районидаги қўриқ Жамбул номли давлат хўжалигида беш юз тонналик сабзавот ва мева маҳсулотларини сақлайдиган совутгич омборхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Бу омборхонани райондаги 213-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари бунёд этишди. Эндиликда нафақат жамбулликлар, балки «Гигант» давлат хўжалиги ҳамда Ленин номли, Навоий номли, «Бухоро» жамоа хўжаликлари деҳқонлари ҳам ўзлари етиштирган сарҳил мева турлари, полиз ва сабзавот маҳсулотларини сифатли сақлаш имкониятига эга бўлишди. Келгусида районнинг «Наврўз» ва «Москва» жамоа хўжаликлари ҳудудида ҳам ана шундай йирик совутгич қурилади.

НОМИ ЎЗГАРДИ

● **Ленин, «Ёш ленинчи», Октябрь ҳамда партия съездлари билан аталувчи давлат ва жамоа хўжаликлари номи ўзгартирилмоқда.**

Қизилтепа районида хўжаликлар ҳозир «Деҳқонобод», «Зармитан», «Варозун», «Сардоба», «Тавоис» номлари билан аталмоқда. Аксарият хўжаликларга эса заҳматкаш, фидойи инсонлар номи берилди. Чунончи, Латиф Аҳмедов, Қосим Қобилов номли хўжаликларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Районда шунингдек, кўчалар, маҳаллалар, мактаблар номи ҳам Октябрь инқилоби, партия съездлари номи билан аталишдан халос этиляпти.

«ЗУБАЙДА» КОРХОНАСИ

● **Навоий районидаги Қодир Раймов номли жамоа хўжалигида хотин-қизларни фойдали меҳнатга жалб этишга алоҳида эътибор берилмоқда.**

Бу ўринда Ўзбекистон ХДП хўжалик бошланғич ташкилоти ташаббус кўрсатди. Бошланғич партия ташкилотининг амалий кўмаги билан хўжаликда «Зубайда» кичик корхонаси ташкил этилди. Бу корхона асосан гилам тўқишга ихтисослашган, айни пайтда бу ерда 100 га яқин қиз-жувонлар меҳнат қилмоқда. Корхонадаги дастгоҳлар хонадонларга бўлиб берилган бўлиб, ёш болали оналар ўз уйларида бежирим гиламлар тўқишмоқда. Хом ашё эса Навоий «Нитрон» заводидан олиняпти.

ХОСИЯТЛИ ВОСИТА

● **Навоий «Электрохим» заводида қоракўл тери ва жунни куя тушишдан сақлайдиган Трилан кимё воситаси ишлаб чиқарилянти.**

Бу кимё моддаси асосан қоракўлчилик хўжаликлари, терини қайта ишловчи корхоналар учун ниҳоятда зарур. Дастлаб 5 тонна модда ишлаб чиқарилди. Харидор кўпайса Трилани ишлаб чиқариш янада ортади. Шунингдек, кимёгарлар олма, узумни зараркунандалардан сақлаш мақсадида Кварк моддаси ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишди. Бу моддадан жорий йилда 50 тонна ишлаб чиқариш мўлжалланган. Шунингдек, ўсимликларни ҳимоя қиладиган Полифен, Трифилан ишлаб чиқариш ҳам кўпаймоқда.

ЧУПОН УЙЛАРИ

● **Томди районидаги Ленин номли давлат хўжалигининг Тошқудуқ фермасида ихчам чўпон уйлари тобора кўпаймоқда.**

Яқинда яна 2 та замонавий уй фойдаланишга топширилди. Бу уйларни райондаги 223-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари барпо этишди. Шунингдек, хўжаликнинг Урисқудуқ фермасида ҳам чўпон уйлари кўпаймоқда. Бу эса қўйчивонларнинг қурилиш материаллари излаш ва шахсий уй-жойлар қуриш ташвишидан халос этмоқда. Райондаги Калинин номли давлат хўжалигида ҳам турар-жой бинолари қуриш қизғин олиб борилмоқда.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» жамоатчи мухбири.

НАВРЎЗ НАШИДАСИ

Халқимизнинг миллий-урф одатлари ва анъаналари «Наврўз» байрами руҳи билан бойиганлиги ҳамманинг айни муддаоси бўлди. Бу йил ана шу байрамнинг нашидаси кириб бормаган бирон қишлоқ ёки маҳалла қолмади. Айниқса Тошкент шаҳрининг маҳаллаларида ҳам бу қўҳна байрам файзли нишонланмоқда. Шаҳарнинг қадимий масканларидан бири Собир Раҳимов ноҳияси ҳокимияти ҳиммат кўрсатиб, маҳаллалар отахонлари учун дастурхон ёзди.

Ҳокимиятнинг сўлим ҳовлисидаги супаларда нуроний отахонлар, меҳнат фахрийлари гурунглашиб ўтиришибти. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаммаджон Каримов бошлиқ санъаткорлар ижросидаги классик қўшиқлар меҳмонларга завқ бағишламоқда.

Район бўйича ташкил этилган бу тадбирни ноҳия ҳокими Файзулла Раҳматуллаев кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида ноҳияда олиб борилаётган яратувчилик ишлари, бу борада барчанинг аҳил ва тотув бўлиши, халқимиз Ватан шуҳратини ошириш учун муносиб куч-ғайрат сарфланаётгани ҳақида гапирди.

Шундан сўнг Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси раиси, муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳозирги пайтда, айниқса, ёшлар ўртасида таълим-тарбия ишини ҳар томонлама кучайтириш лозимлиги, ёш авлодни ислом дини билимлари ва ахлоқий яхши фазилатлар руҳида тарбиялаш тўғрисида гапирди. Муфтий ҳазратлари Қуръони Каримдан оятлар ўқиб, халқимиз бахт-саодати, келгусидаги равнақи ҳақида яратган тангридан марҳаматлар юборишини сўраб дуолар қилди.

● Шу ноҳиядаги «Мустаҳкам» маҳалласида Наврўзга бағишлаб халқ сайли ўтказилди. Сайл халқ анъаналарининг азалийлиги, умрбоқийлиги ва гўзаллигини намойиш этди.

— Маҳалламизда 130 оила баҳамжиҳат яшайди, — дейди қўмита раиси Талъат Азимов. — Жумҳуриятимиз бўйлаб Наврўз тантаналари бу йил кенг нишонланганлиги биз учун ғоятда қувончлидир. Бундай шодиёналар фуқароларимиз ўртасида аҳилликни, тотувликни янада мустаҳкамлайди.

Сайлга Ҳамза номидаги Ўзбек академик драма театрининг Зикир Муҳаммаджонов етакчилигида бир гуруҳ санъаткорлари келишди. Атоқли санъаткор мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида республикамиз раҳбарияти олиб бораётган собитқадам ишлар ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Санъаткорлар қўлбола саҳнада спектакллардан парчалар намойиш этишди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист М. Азимов, халқ ижодиёти дастаси иштирокчиларининг чиқишлари ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

СУРАТЛАРДА: Наврўзга бағишланган тантаналардан лавҳалар.

В. МОЛГАЧАВ ва Р. ШАРИПОВ олган суратлар.

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ!

МУҲТАРАМ АЗИЗ МЎМИН БИРОДАРЛАР!

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги «Мевазор» маҳалла масжидини қайтадан таъмирлашга ихлос билан киришилди.

Сизларга Тангри таолодан ҳидоят ва бахт-саодат тилаб, таъмирлаш ишида ўз ҳиссангизни қўшасизлар, деган умиддамиз.

ЖАМҒАРМА ҲИСОБИМИЗ:



№ 000164401 Саноат-қурилиш банки

Код: 172682309. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 8050-жамғарма банки бўлими.

Жорий ҳисоби № 246

«Мевазор» маҳалласи.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисоднёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-53-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва харбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—71.

№ 80.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 20.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.